

Хайдаров М.Т.,

иқтисод фанлари номзоди, доцент

БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИДА АСОСИЙ ВОСИТАЛАРНИ БАҲОЛАШ ҲАМДА ҚАЙТА БАҲОЛАШ ҲИСОБИНИ ЮРИТИШ ТАРТИБ- ҚОИДАЛАРИ

ХАЙДАРОВ М.Т. БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИДА АСОСИЙ ВОСИТАЛАРНИ БАҲОЛАШ ҲАМДА ҚАЙТА БАҲОЛАШ ҲИСОБИНИ ЮРИТИШ ТАРТИБ-ҚОИДАЛАРИ

Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини юриштида мунтазам ислохотлар олиб борилмоқда. Жумладан, асосий воситалар ҳисоби бозор иқтисодиёти ислохотлари, уларни турли услубда баҳолаш ва қайта баҳолашни тақозо этади. Бу шароитда улар қийматининг бухгалтерия ҳисобида тўғри қайд этилишини ўрганиш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Таянч иборалар: бюджет ташкилоти, бухгалтерия ҳисоби, асосий воситалар, инвентаризация, баҳолаш, регистрлар, услубиёт.

ХАЙДАРОВ М.Т. ПОРЯДОК ВЕДЕНИЯ УЧЕТА ОЦЕНКИ И ПЕРЕОЦЕНКИ ОСНОВНЫХ СРЕДСТВ В БЮДЖЕТНЫХ ОРГАНИЗАЦИЯХ

В системе бухгалтерского учета бюджетных организаций всемерно осуществляются реформы. В том числе, в условиях рыночного хозяйства постоянной переоценке подвергаются основные средства организаций. Переоценка может осуществляться по разным методикам. Актуальной задачей является правильное отражение стоимости основных средств средствами бухгалтерского учета.

Ключевые слова: бюджетная организация, бухгалтерский учет, основные средства, инвентаризация, оценка, регистры, методика.

KHAYDAROV M.T. THE ACCOUNTING ORDER OF THE BASIC CAPITAL ESTIMATION AND RE-ESTIMATION IN THE BUDGET ORGANIZATIONS

In the system of budget organization accounting constantly implementing reforms. In the market economy cost of basic capital could be estimated through different methodic. The actual issue is correct reflection of the basic capital's cost in the booking.

Keywords: budget organization, accounting, basic capital, estimation, registers, methodic.

Бюджет ташкилотлари асосий воситалари давлат мулкнинг муҳим қисми бўлиб, улар жуда катта қийматни ташкил этади. Бу мулкдан фойдаланишнинг ҳар бир фоиз самарадорлигини ошириш жамият миқёсида миллиардлаб натижадорликка олиб келишини инobatга олсак, ушбу мулкни тўғри баҳолаш ва ҳисоботини юритиш моҳияти нақадар катталигини тасаввур қилишимиз мумкин.

Бюджет ташкилотларида, ҳар қандай бошқа иқтисодий-ҳўжалик субъектларидаги каби, бухгалтерия ҳисоби кечаётган жараёнларнинг кенг қамровли молиявий-ҳўжалик фаолиятини тўғри ва тўлиқ акс эттирувчи асбоб-услугият вазифасини бажариши лозим. Жумладан, бозор иқтисодиёти шароитида назорат, бюджет ташкилотларига тегишли барча бойликлар, булар қаторида асосий воситаларнинг ҳисоб ва ҳисоботининг моҳияти кескин ошади.

Бюджет ташкилотларида асосий воситалар ҳисобининг асосий вазифаси асосий воситалар кирими, ички ҳаракатланиши ва чиқиб кетиши, асосий воситалар чиқиб кетишида аниқ натижалар, асосий воситалар эскириши ҳисоби, харажатлари ва таъмирлари, уларнинг сақланиши ва самарали ишлатилиши натижаларининг тўғри ва ҳужжатли расмийлаштирилиши, ҳисоб регистрларида ўз вақтида акс эттирилишини назарда тутати.

Асосий воситаларнинг ўрнатилган мақсадларга жавоб беришига кўра ҳисобни юритишда қуйидаги масалалар ҳал қилувчи аҳамиятга эга:

- асосий воситаларнинг тўғри таснифланиши;
- уларни баҳолаш тамойилларининг ўрнатилиши;
- асосий воситалар предметларининг ҳисоб бирликларининг ўрнатилиши;
- бирламчи ҳужжатлар ва ҳисоб регистрларининг танланиши.

Бюджет ташкилотлари асосий воситалар ҳисобини ташкиллаштиришнинг асосий негизи бўлиб, уни юритиш методикасига аниқлик киритишдан бошланади. Бунинг учун асосий воситалар таркиби, уларни баҳолаш, ҳисобини юритишнинг ўзига хосликлари, аналитик ва синтетик ҳисоби аниқланиши лозим.

Бюджет ташкилотларида асосий воситаларни баҳолаш ҳамда қайта баҳолаш ҳисобини юритиш тартиб-қоидалари негизида, авваламбор, асосий воситалар тушунчасини англаш лозим. Бу тушунча ҳуқуқий мезон бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 22 декабрь 2010 йилда 2169-рақам билан рўйхатдан ўтказилган, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2010 йил 17 декабрдаги 105-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Йўриқноманинг 3-бўлими 63-бандида келтирилган тушунча хизмат қилади. Асосий воситалар таркибига қуйидагилар киради: иморатлар, иншоотлар, машина ва ускуналар, компьютер техникаси, транспорт воситалари, кутубхона фонди, узаткич мосламалари, ишчи ва маҳсулот берувчи ҳайвонлар ва бошқа асосий воситалар (иншоотлар яратиш, музей бойликлари, ҳайвонот олами экспонатлари, саҳна-томоша воситалари, ўқув кинофильмлари, магнит дисклари ва ленталари, кассеталар ва ҳоказо).

Молия вазирлигининг юқорида келтирилган буйруғига кўра, ташкилотлар ўзларининг зиммаларига юклатилган вазифаларни бажариш билан боғлиқ бўлган фаолиятларини амалга ошириши, шунингдек, ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) жараёнида фойдаланиладиган, қийматидан қатъи назар, 1 йилдан ортиқ хизмат қилиш муддатига эга бўлган моддий активларни бухгалтерия ҳисобида асосий воситалар таркибида ҳисобга олади ва акс эттиради. Асосий воситаларга қиймати ва хизмат муддатидан қатъи назар қишлоқ ҳўжалиги машиналари ва ускуналари, катта ёшдаги ишчи ва маҳсулот берувчи ҳайвонлар (шу жумладан, майдаси ҳам), кутубхона фондлари, музей бойликлари (музей экспонатларидан ташқари),

ҳайвонот олами экспонатлари ва намунавий лойиҳалаштиришга оид ҳужжатлар киради ва уларнинг ҳисоботи юритилади.

Бюджет ташкилоти ҳисоботи юритилиш балансида (01 счётида)ги «Асосий воситалар» қуйидаги субсчётларга бўлинади:

010 «Турар-жой иморатлар»;

011 «Нотурар жой иморатлар»;

012 «Иншоотлар»;

013 «Машина ва жиҳозлар»;

015 «Транспорт воситалари»;

018 «Кутубхона фонди»;

019 «Бошқа асосий воситалар».

Бюджет ташкилотларнинг балансидаги асосий воситаларни қайта баҳолашдан ўтказиш қуйидаги қонун ва қонуности ҳужжатларига асосланиб амалга оширилади.

Асосий воситаларни баҳолаш тизимли ёндашувни талаб қилади ва қуйидагича амалга оширилиши мумкин:

1. Тўлиқ бошланғич қиймат – асосий воситаларни амалга кириш қиймати. Бу қиймат пуллик шаклда мазкур бино, қурилма ва/ёки ускунанинг сотиб олинishi, етказиб келиниши ва ўрнатилиши учун амалга оширилган ҳақиқий харажатларни қамраб олади.

2. Бошланғич қийматдан ишлатилган қийматнинг айирилиши. Бунда асосий воситаларнинг ишлаб чиқилган маҳсулотлар ва кўрсатилган хизматларга ўз қийматининг ҳали ўтказмаган бир қисмини баҳолаш, яъни эскириш қилинмаган қиймати тушунилади. Бу қиймат асосий воситаларнинг тўлиқ қийматидан маълум санагача амалга оширилган эскиришни айириш орқали баҳоланади.

3. Тўлиқ тикланган қиймат. Бунда ҳисоблашда асосий воситалар жорий улгуржи нархлар, қурилишнинг смета харажатлари ва транспорт тариф харажатларидан келиб чиққан ҳолда қайта баҳоланган қиймати тушунилади.

4. Ишлатилгандан истисно қилинган тикланган қиймат. Бу қийматни баҳолашда асосий воситаларнинг яратилган маҳсулотга ўтказилмаган қийматининг реал баҳоси ҳисобланади. Бу қиймат асосий воситаларни жорий нархларда қайта баҳолаш ва улардан пул кўринишида ҳақиқий харажатларни айириш орқали баҳоланади.

Асосий воситаларни қайта баҳолаш ҳисоби. «Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Йўриқноманинг 3-бўлим 110- ва 111-бандларига мувофиқ, асосий воситаларни қайта баҳолаш – асосий воситалар объектларининг тиклаш қийматини ҳозирги бозор нархлари даражасига мослаш мақсадида уларни вақти-вақти билан аниқлаштириш ҳисобланади.

Асосий воситалар қайта баҳолаш натижасида ҳисоб ва ҳисоботда жорий қиймат бўйича акс эттирилади. Асосий воситаларнинг бошланғич (тиклаш) қиймати қайта баҳоланган ҳолларда қайта баҳолаш ўтказилган санадаги уларнинг жамланган эскириши асосий воситаларнинг дастлабки (тикланиш) қиймати ўзгаришининг тегишли индексларига тузатилади ҳамда кейинги ҳисобланадиган эскириш қайта баҳоланган қиймати ҳисобидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасинининг 2002 йил 29 октябрдаги 4-, 129-, 2002-86 сонли қарорлари билан тасдиқланган (Адлия вазирлигида 2002 йил 4 декабрда 1192-рақам билан рўйхатдан ўтказилган) «1 январь ҳолати бўйича асосий фондларни ҳар йиллик қайта баҳолашни ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом» асосида бюджет ташкилотларида ҳар йили 1 январь ҳолати бўйича асосий фондлар (жорий йилнинг 1 февралигача) қайта баҳолашдан ўтказилади. Шунингдек, қайта баҳоланган асосий воситалар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг 2013 йил 29 ноябрдаги 68-, 38-, 4-сонли қарорлари билан тасдиқланган (Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 19 декабрда 2538-рақам билан рўйхатдан ўтказилган) «Бюджет ташкилотларининг асосий воситаларининг эскиришини аниқлаш ва бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисидаги Низом» асосида тенг қийматдаги эскириш суммалари ҳисобланади.

Асосий воситаларни қайта баҳолаш жараёнида унинг қиймати ортиши ёки камайиши ҳам мумкин. Мисол учун:

Қайта баҳолаш натижасида асосий воситалар қийматининг ошиши.

1-жадвал. Қайта баҳолаш натижасида асосий воситалар қийматининг камайишига мисол

	Дебет	Кредит	Сумма
Тошкент вилояти Қуйи Чирчиқ туманидаги 7-умумтаълим мактаб биноси кадастр қилинган. Унинг кадастр қилингунча баланс қиймати 360,6 млн. сўми ташкил этган. Бинонинг кадастр ҳужжати бўйича баҳоси 313,2 млн. сўм, фарқи $360,6 - 313,2 = 47,4$ млн сўм (камайишини фоиз ҳисобида аниқласак, 13,1%).	280	011	47,4 млн сўм
Бинога ҳисобланган эскириш суммаси 234,4 млн. сўми ташкил этган. Ҳисобланган эскириш суммасини ҳам камайтирамиз ($234,4 \times 13,1\% = 30,8$ млн сўм).	021	280	30,8 млн сўм

01-счётнинг тегишли субсчётлари (010, 011, 012, 013, 015, 019) дебетида, ҳисобланган эскириш суммасининг ошиши 02-счётнинг тегишли субсчётлари (020, 021, 022, 023, 025, 029) кредитида ва молиявий натижаларнинг ошиши мазкур асосий воситанинг кирим қилиш манбасидан келиб чиққан ҳолда, 28-счётнинг якуний молиявий натижаларни ҳисобга олувчи тегишли субсчётларининг (280, 283, 284) ҳам дебетида, ҳам кредитида акс эттирилади.

Қайта баҳолаш натижасида асосий воситалар қийматининг камайиши.

01-счётнинг тегишли субсчётлари (010, 011, 012, 013, 015, 019) кредитида, ҳисобланган эскириш суммасининг камайиши 02-счётнинг тегишли субсчётлари (020, 021, 022, 023, 025, 029) дебетида ҳамда молиявий натижаларнинг камайиши мазкур асосий воситанинг кирим қилиш манбасидан келиб чиққан ҳолда, 28-счётнинг якуний молиявий натижаларни ҳисобга олувчи тегишли субсчётлари (280, 283, 284) дебетида акс эттирилади. Масалан, бюджет маблағи ҳисобидан қурилган бино мисолида кўрилса, унинг қайта баҳолаш ҳисобига бошланғич қийматидан камайишини кўриш мумкин (1-жадвал).

Ўрнатиладиган асбоб-ускуналар ва тугалланмаган қурилишни қайта баҳолаш.

Бухгалтерия ҳисобида асосий воситалар, ўрнатиладиган асбоб-ускуналар ва тугалланмаган қурилиш объектларини қайта баҳолаш натижалари бўйича операциялар бюджет маблағлари ҳисобидаги асосий воситалар бўйича алоҳида ҳамда бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидаги асосий воситалар бўйича алоҳида кирим қилиш манбаларидан келиб чиқиб акс эттирилади.

ди. Яъни асосий воситалар, ўрнатиладиган асбоб-ускуналар ва тугалланмаган қурилиш объектларини қўшимча баҳолаш қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари орқали акс эттирилади.

Ўрнатиладиган асбоб-ускуналар ва тугалланмаган қурилишни қайта баҳолаш.

Бухгалтерия ҳисобида асосий воситалар, ўрнатиладиган асбоб-ускуналар ва тугалланмаган қурилиш объектларини қайта баҳолаш натижалари бўйича операциялар бюджет маблағлари ҳисобидаги асосий воситалар бўйича алоҳида ҳамда бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидаги асосий воситалар бўйича алоҳида кирим қилиш манбаларидан келиб чиқиб акс эттирилади. Яъни асосий воситалар, ўрнатиладиган асбоб-ускуналар ва тугалланмаган қурилиш объектларини қўшимча баҳолаш қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари орқали акс эттирилади.

Ўрнатиладиган асбоб-ускуналар қайта баҳоланганда (уларнинг қиймати ортганда)

Дебетланади	Кредитланади: Тегишли субсчётлар
070-субсчёт	280, 283, 284 ўрнатилмаган асбоб-ускуналарни кирим қилиш манбасига боғлиқ

Тугалланмаган қурилиш объекти қайта баҳоланганда (уларнинг қиймати ортганда)

Дебетланади	Кредитланади: Тегишли субсчётлар
071-субсчёт	280, 283, 284 тугалланмаган қурилиш юзага келган манбага боғлиқ

Ўрнатилмаган асбоб-ускуналар қайта баҳоланганда (уларнинг қиймати камайганда)

Тегишли субсчётлар дебетланади	Кредитланади: субсчёт
280, 283, 284 ўрнатилмаган асбоб-ускуналарни кирим қилиш манбасига боғлиқ	070

Тугалланмаган қурилиш объекти қайта баҳоланганда (уларнинг қиймати камайганда)

Тегишли субсчётлар дебетланади	Кредитланади: субсчёт
280, 283, 284 тугалланмаган қурилиш юзага келган манбага боғлиқ	071

Асосий воситаларларни қайта баҳолаш қийматларининг ҳисоботда акс эттирилиши. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2011 йил 27 августдаги 57-сонли (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил 27 сентябрда 2270-рақам билан рўйхатдан ўтказилган) буйруғи билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан маблағ билан таъминланмаган ташкилотларнинг даврий молиявий ҳисоботларини тузиш, тасдиқлаш ҳамда тақдим қилиш бўйича қоидалар»нинг 3-боб 126-бандида «Асосий воситаларни ҳар йилги қайта баҳолаш ҳисобига дастлабки қийматининг ўзгариши (ошиши ёки камайиши) «Но-молиявий активларнинг ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот» шаклининг алоҳида «Қайта баҳолаш натижасида» қаторида акс эттирилиши кўрсатилган бўлиб, асосий воситаларни қайта баҳолаш суммалари шу қаторларда кўрсатилади. Шунингдек, бюджет ташкилотининг 1-шакл – «Баланс»нинг 1-бўлими асосий воситалар қаторида йил бошига бошланғич (тикланиш) қиймати, йил охирида бошланғич қиймати ва ёнига алоҳида қайта баҳолашда орттирилган қиймат чизиқча билан ажратилиб кўрсатилади.

Ўзбекистон Республикаси вилоятлари молия бошқармаларининг «Молия органлари ва бюджет ташкилотларида бухгалтерия

ҳисоби ва ҳисоботи ҳамда ҳолатини назорат қилиш» секторларида йил иш режалари бўйича вилоятлар ва Республика бюджетларидан молиялаштирилувчи коллежлар, ДМИлар, соғлиқни сақлаш ташкилотлари ва шунингдек, шаҳар ва туманлардаги бюджет ташкилотларида ўрганиш ва амалий ёрдам бериш ишлари олиб бориш режалаларига кўра амалга оширилиб борилмоқда. Ушбу бўлинмалар ходимлари томонидан йил давомида режа бўйича бюджет ташкилотларида ўрганиш ва амалий ёрдам бериш ишлари амалга ошириб борилмоқда. Ўрганиш жараёнида қатор коллежлар, ДМИлар, соғлиқни сақлаш муассасаларида, шаҳар, туманларга қарашли халқ таълими соҳасига тегишли ва бошқа ташкилотларда асосий воситаларни қайта баҳолашда бир қатор камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланди. Бу аниқланган камчиликларнинг бир қисми жойларда оператив ҳолда бартараф қилиниб борилмоқда. Қолган қисмини бартараф қилиш учун бюджет ташкилотлари раҳбарлари ва ҳисобчиларига маълум муддат берилиб, «хулоса ва мажбурий» кўрсатмалар юборилиб борилади. Шунингдек, белгиланган муддатларда бюджет ташкилотидан камчиликлар бартараф қилинганлиги юзасидан жавоб хатлар олинади ва таҳлил қилинади.

Олиб борилган таҳлилий ишлар бюджет ташкилотларининг асосий воситаларини дастлабки (тикланиш) ҳамда ҳисобланган эскиришларини қайта баҳоланиши натижасида ҳосил бўлган қийматни якуний молиявий натижага олиб борилиши белгиланган. Шу сабабли йил якунида якуний молиявий натижанинг тўғри чиқарилганлигини ўрганиш, таҳлил қилиш ёки ҳисоботларга таққослашда маълум қийинчиликлар юзага келмоқда. Бунда аниқ якуний молиявий натижани таҳлил қилиш имкони чекланганлиги аниқланган. Ушбу чекловларни бартараф қилиш мақсадида 5-шакл – «Но-молиявий активлар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот» шаклига асосий воситалар эскиришини қайта баҳоланиши натижасида ҳосил бўлган қийматни ифода этиш учун

қўшимча равишда алоҳида қатор ёки устун қўшилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2004 йил 16 августдаги 101-сонли буйруғи (Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 29 августда 1401-рақам билан рўйхатга олинган) билан тасдиқланган «Асосий воситаларни балансдан чиқариш тартиби тўғрисидаги Низом»нинг 7-банди а-қисмида «бюджет ташкилотлари – юқори ташкилот билан келишган ҳолда, юқори ташкилот мавжуд бўлмаганда – қонун ҳужжатларига мувофиқ мустақил равишда» деб белгилаб қўйилган. Ушбу бандга асосан асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш учун юқори ташкилотлар томонидан кўплаб ҳужжатлар талаб қилинмоқда ва юқори ташкилотлар жавобгарлик масъулиятини ҳис қилган ҳолда бир ёки икки йил ва ундан кўпроқ муддатларга қадар асосий воситаларни ҳисобдан чиқарилишига рухсат бермай келмоқда.

Юқорида кўрсатилган бандни Низомдан чиқариб ташлаш имконини ўрганган ҳолда уни қўллашни фақат айрим ҳолларда че-

клаш мақсадга лойиқ бўлар эди. Чунки ҳар бир ташкилот юридик шахс мақомига ва мустақил баланс ва низомига эга. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунида ҳам ташкилот раҳбари ва бош ҳисобчининг ваколатлари ва мажбуриятлари аниқ белгилаб қўйилган. Юқори ташкилотларнинг ҳуда-беҳудага аралашини бевосита жавобгар ташкилотнинг масъулиятини туширишга, қоғозбозчиликнинг кўпайиши ва режадаги ишлар кечикишига олиб келади.

«Асосий воситаларни балансдан чиқариш тартиби тўғрисидаги Низом»да асосий воситалар қандай ҳолларда ҳисобдан чиқарилиши ва ушбу ҳолатларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби аниқ белгиланган.

Юқоридаги низомда асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш юқори ташкилот билан келишилган тартибда деб ёзиб қўйилганлиги сабабли, низомда юқори ташкилотдан рухсат сўраш назорат тартибида 010-011 ва 015-субсчётлар бўйича қўлланилишини белгилаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2010 йил 17 декабрдаги 105-сонли буйруғи (Адлия вазирлигида 22 декабрь 2010 йилда 2169-рақам билан рўйхатдан ўтказилган) билан тасдиқланган «Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Йўриқнома.

2. Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2002 йил 29 октябрдаги 4-, 129-, 2002-86 сонли қарорлари билан тасдиқланган (Адлия вазирлигида 2002 йил 4 декабрда 1192-рақам билан рўйхатдан ўтказилган) «1 январь ҳолати бўйича асосий фондларни ҳар йиллик қайта баҳолашни ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом».

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг 2013 йил 29 ноябрдаги 68-, 38-, 4-сонли қарорлари билан тасдиқланган (Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 19 декабрда 2538-рақам билан рўйхатдан ўтказилган) «Бюджет ташкилотларининг асосий воситаларининг эскиришини аниқлаш ва бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисидаги Низом».

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2011 йил 27 августдаги 57-сонли (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил 27 сентябрда 2270-рақам билан рўйхатдан ўтказилган) буйруғи билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан маблағ билан таъминланадиган ташкилотларнинг даврий молиявий ҳисоботларини тузиш, тасдиқлаш ҳамда тақдим қилиш бўйича қоидалар».